

Тажрибаларда калийли ўғити 60 кг/га дан 150 кг/га гача ошириб қўлланилганда ФСМ нинг назорат-ўғитсиз вариантга нисбатан 2,2-3,9 г/м²суткага ортиб бориши, калий меъёрининг кейинги ортишида эса ФСМ нинг камайиши аниқланди. Чунки барг юзасининг меъёридан ортиқ бўлиши сабабли куйи яруслардаги барглр сояда қолиб, куёш радиациясидан етарли даражада фойдалана олмайди, натижада ФСМ камайиб кетади.

Ўтказилган тадқиқотларда фотосинтетик фаол радиациядан фойдаланиш коэффициенти “Бухоро-102” навида вариантлар бўйича 0,58-1,37 % ни ташкил этди. Типик бўз тупроқларда калийли ўғитини 120-150 кг/га меъёрда қўллаш орқали экинзорда ўсимликлар куёш радиациясидан самарали фойдалана оладиган 55,3-57,5 дона барг ва унинг ассимиляция юзаси 5071,1-5437,7 см² га шаклланиб, калий ўғитини юқори меъёрларда қўллаш

тупроқда NPK нисбатининг бузилишига ва (ўсимликда барг сонининг ошиш натижасида Кфар (1,30-1,21 %) ва ФСМ (12,0-10,8 г/м²*сутка) камайиб) ҳосилдорликини 2,5 ц/га камайишига олиб келиши тажриба натижаларимиз асосида қайд этилди (жадвал 1).

Хулоса. “Бухоро-102” навида, N₂₅₀P₁₇₅ фонида калийли ўғитни 120-150 кг/га меъёрда қўллаш ўсимликни ўсув даврида фотосинтез жараёни учун мақбул шароит яратиш билан бирга гектаридан 32,7-34,8 центнер юқори ҳосил етиштиришни таъминлади.

Ш.ЖУМАЕВ,
қ.х.ф.ф.д. (PhD), катта ўқитувчи,
Р.ОРИПОВ,
қ.х.ф.д., профессор,
Самарқанд ветеринария медицинаси институти.

АДАБИЁТЛАР:

1. “Методы агрохимических, агрофизических и микробиологических исследований в поливных хлопковых районах.” Ташкент, УзНИИХ, 1963. – 40 с.
2. Гиясиддинов Б.Б. “Показатели фотосинтеза и донорно-акцепторных отношений у разных генотипов хлопчатника при моделировании плодоношения.” Автореф. дис. к.б. н. АН РТ, Ин-т физиологии растений и генетики. Душанбе, 2007. -23 с.
3. Назаров Р., Аблаева Д. “Биологические особенности калийного питания хлопчатника.” “Агро илм.” Ташкент, 2014. - № 3 (36). – Б. 5-6.
4. Носов В.В. “Применение калийных удобрений в развитых странах Европы и Америки.” “Агрохимия.” 2013. № 2, с. 37–41.
5. Саидов С.Т., Гиясиддинов Б.Б., Бободжанова М.Д., Абдуллаев Х.А., Каримов Х.Х. “Распределение ассимилятов и формирование урожая хлопчатника.” Изв. АН РТ. Отд.биол. и мед.наук.- 2006, №2 (155). -С.56-66.

ЎЎТ: 633.51

ИННОВАЦИОН ЁНДОШУВ

ВЎЗА НАВЛАРИНИНГ КАСАЛЛАНИШ ДАРАЖАСИ ВА ҲОСИЛДОРЛИГИНИ АНИҚЛАШ

Аннотация: в настоящее время актуальной задачей является разработка оптимальных режимов орошения норм минеральных удобрений и густота стояния новых сортов хлопчатника отвечающих требованиям мирового рынка по качеству волокна устойчивых к болезням а также приспособленных к экстремальным условиям конкурентоспособных и другим показателям в сфере хлопководства.

Annotation: it is very important to make right choice of cotton varieties reliable to the local climate fast ripen highly productive stable to diseases and vermins to locate them reliable to seed cotton in double raws to till the soil and get ready for seeding thin cutting applying growth controlling minerals; cutting cinnj npland top, fertilizing eliminating qualified effective agritechnical processes on time.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси қишлоқ хўжалик фани олдига қўйган вазибаларидан келиб чиқиб, ҳозирги даврда Фарғона водийси вилоятлари тупроқ-қлим шароитларига мос, юқори ҳосилли, эртапишар, касалликлар ва зараркунандаларга чидамли, шўрланишга, курғоқчиликка, тола сифати жахон андозалари талабларига жавоб берадиган ғўза навларини яратиш шу куннинг ўта долзарб масаласи бўлиб ҳисобланади.

“Уруғчилик тўғрисида”ги махсус қонунлар қабул қилинганлиги селекция ва уруғчилик ишларига Давлат томонидан катта аҳамият берилаётганлигини кўрсатади. Кейинги йилларда ғўза селекцияси ва уруғчилигини ривожлантириш бўйича тегишли қарорларни қабул қилиниши Республикамиз-

даги пахтачиликни янада ривожлантиришда, пахтадан юқори ҳосил олиш, тола чиқимини кўпайтириш ва унинг сифатини яхшилаш асосий омиллардан ҳисобланади.

Лекин, бу навлар ҳам ғўза зараркунандаларига мукамал чидамли эмас. Айниқса, ғўзанинг зараркунандаларига (шира, ўргимчаккана) чидамли навларни яратиш ва ишлаб чиқаришга жорий қилиш зарурияти туради. Тажриба дастурида ана шу масалани ечиш учун районлаштирилган навлар орасидан ғўза зараркунандаларига бардошлиларини ажратиб олиб селекционерларга дастлабки материал сифатида тавсия қилиш тажрибанинг долзарблиги бўлиб ҳисобланади.

Тадқиқотлар ПСУЕАИТИ Андижон илмий-тажриба станцияси далаларида ўтказилди. Тажриба даласининг тупроғи

оч тусли бўз, азалдан суғорилади. Сизот сувлари 3-5 метр чуқурликда жойлашган.

2018-2019 йилда намуналар 4 қайтариқли, 2 қаторли, 50 уяли, 90х15-1 тартибда жойлаштирилди. Андоза учун “Андижон-35” нави экилди.

Тажриба даласида униб чиққандан бошлаб қуйидагича кузатув ишлари олиб борилди:

- 100 фоиз ниҳолларни униб чиқиши;
- 1 июн, июл, август, сентябрда ғўзани ўсиши ва ривожланиши;
- шира билан зарарланиши;
- ўргимчаккана билан зарарланиши фоизларда ҳисобланди;
- ғўзанинг 50 фоиз гуллаши;
- 50 фоиз кўсакларни очилиши;
- совуқ тушгунча пахта ҳосили;
- умумий ҳосили ҳисобланди;
- ҳар бир намуналардан 50 донадан кўсак пахтасидан иборат намуна териб олинди. Намуналардан тола узунлиги, тола чиқиши, бир дона кўсак пахтасини оғирлиги ва толанинг технологик хусусиятлари аниқланди.

Кузатув ва ҳисоб-китоблар “Дала тажрибаларини ўтказиш услублари” (ЎзПТИ-2007), селекция бўйича бажарилган тадқиқотлар “Қишлоқ хўжалик экинларини нав синови” (1971), услуби бўйича олиб борилди.

Тадқиқот маълумотларининг математик ишлови Б.А. Доспеховнинг “Методика полевого опыта” (М. Колос, 1985) услуби асосида бажарилди.

Тажриба дастурида кўрсатилган кузатувлар бўйича навларни униб чиқиши ва ривожланиши ҳисобланди. Олинган маълумотлар бўйича “С–6524”, “Андижон–36” ва “Андижон–37” навлари назоратга нисбатан 4 кунга эрта униб чиқди. Қолганлари 1-2 кун эрта ёки назорат билан тенг униб чиқди.

1-июн кузатувида “Хоразм–127” (21,5см) ва “Наманган–34” (20,2см) назоратга нисбан бўйи 3-5 см баланд, 1-2 дона чин барги юқори эканлиги аниқланди.

Бошқа навлар бу белги бўйича назорат нави маълумотлари атрофида бўлди.

1 июл кузатуvidан олинган маълумотларга қараганда ҳамма навлар андоза навлардан биров пастроқ бўйга эга бўлди.

Тажриба тартиби

Вариант	Андоза ва навлар
1	Андижон-35 (назорат)
2	С – 6524
3	Бухоро – 102
4	Андижон – 36
5	Андижон – 37
6	Наманган – 34
7	Ан – Боёвут – 2
8	Султон
9	Хоразм – 127
10	Наманган – 77

Навларни униб чиқиши, ўсиши ва ривожланиши.

Андоза ва навлар	Чигитни 100 фоиз униб чиқиши, сана	1.06		1.07		
		бўйи, см	чин-барги, ўс/д	бўйи, см	ҳосил, шохи ўс/д	ҳосил меваси, ўс/д
Андижон-35 (андоза)	7.05	16,8	3,0	48,9	8,2	7,4
С – 6524	3.05	19,2	4,1	45,2	8,0	8,4
Бухоро – 102	5.05	19,8	4,2	43,3	7,8	8,7
Андижон-36	3.05	18,6	5,2	39,3	7,9	10,0
Андижон-37	3.05	19,5	6,6	40,6	7,6	9,3
Наманган – 34	7.05	20,2	4,4	42,5	8,1	9,0
Ан – Боёвут – 2	5.05	19,3	4,4	44,4	8,6	9,2
Султон	5.05	18,7	4,3	33,2	7,5	7,3
Хоразм – 127	7.05	21,5	4,9	42,6	7,2	8,9
Наманган – 77	3.05	19,3	4,5	40,8	7,3	9,3

Аммо ҳосил шох чиқариш сони бўйича деярлик назорат нави билан баробар эканлиги аниқланди. Лекин шона чиқариш бўйича навлар андозага нисбатан 2-3 донага устунлик қилди.

Маълумки, тажрибани асосий мақсади ғўза зараркундаларига чидамлилигини аниқлаш. Шунинг учун 1 июнда уни ҳисобланди. Натижа бўйича: андоза нав “Андижон-35” ўргимчаккана билан 1,5 % зарарланди. Навлардан “Андижон-37” ўргимчаккана билан 1% зарарланганлиги аниқланди. Шу муддат кузатуviда колган навларда зарарланиш кузатилмади. Шу даврда навларда шира билан зарарланиш деярли бўлмади.

Июл ойида ҳашоратлар билан зарарланиши кузатилганда: ғўза шираси билан “Андижон–37” умуман зарарланмади. Аммо “Наманган – 34” (6,5%) энг кўп касалланди. Ўргимчаккана билан шу муддат кузатуviда “Султон” (1,0%) кам зарарланди. Лекин, навлардан “Бухоро -102” (6,5%) кўпроқ зарарланди. Бошқа навлар назорат нав зарарланиши даражаси атрофида бўлди.

Айрим олимлар Ф.Толипов, Л.Швецова (1978) сўрувчи зараркундаларга чидамлиси ғўзанинг барглари тукли бўлишини аниқлаганлар. Шунингдек, улар ўз тажрибаларида сўрувчи ҳашоратларга чидамли навларнинг барглари таркибида чидамсиз навларнинг барглари таркибига қараганда 1,25 марта кўп бўлишини аниқлаганлар. Бизнинг тажрибамиздаги ўргимчаккана билан кам зарарланган навлар барглари ҳам кўздан кечирганимизда тукли эканлигини гувоҳи бўлдик.

Навларнинг ғўза зараркундалари билан зарарланиши.

(1 июл маълумоти), фоиз

Вариантлар	Андоза ва навлар	Шира билан зарарланиши	Ўргимчаккана билан зарарланиши
1	Андижон-35 (андоза)	2,0	4,0
2	С – 6524	1,0	2,0
3	Бухоро – 102	2,0	6,5
4	Андижон – 36	1,5	4,5
5	Андижон – 37	0	2,0
6	Наманган – 34	6,5	3,5
7	Ан – Боёвут – 2	4,0	5,5
8	Султон	2,5	1,0
9	Хоразм – 127	3,5	4,5
10	Наманган – 77	4,0	3,5

1 август муддатига ҳашоратлар билан зарарланиши кузатилганда шира билан энг кам зарарлангани “Андижон–37” (1,0%) ва “Андижон–36” (2,0%) эканлиги аниқланди. Қолганлари биров камроқ зарарланб назорат нави даражасида бўлди. Ўргимчаккана билан “С–6524” (8,0%) зарарланиш,

чидамсизлигини кўрсатди. Лекин бошқа навлар кам зарарланиб зараркундаларга чидамлилиги хусусияти борлигини намоён қилди.

Ўсимликларни ҳимоя қилиш йўналишидаги олимлардан Н.Вилкова, И.Шапиро (1987) лар ўз тажрибаларида ғўза касаллиги ва зараркундаларига чидамли ўсимликларда махсус иммунитет бор, деган фикрга келишган.

Биз ҳам тажрибамизда иштирок этган айрим нав ва навларни ғўзанинг касаллик ва зараркундаларига чидамли бўлганлари махсус иммунитетга

**Навларнинг ғўза зараркуналлари билан зарарланиши.
(1 август маълумоти), фоиз.**

Вариант	Андоза ва навлар	Шира билан зарарланиши	Ўргимчаккана билан зарарланиши
1	Андижон-35 (андоза)	4,5	6,5
2	С – 6524	2,5	8,0
3	Бухоро – 102	2,5	2,0
4	Андижон – 36	2,0	6,0
5	Андижон – 37	1,0	3,0
6	Наманган – 34	7,0	6,5
7	Ан – Боёвут – 2	4,5	6,0
8	Султон	3,0	4,5
9	Хоразм – 127	4,5	5,0
10	Наманган – 77	5,0	6,0

Навларнинг қайтариқлар бўйича ҳосилдорлиги, ц/га.

Вариант	Андоза ва навлари	Қайтариқлар				
		I	II	III	IV	Ўртача
1	Андижон-35 (андоза)	35,4	37,0	35,9	36,4	36,2
2	С – 6524	39,4	41,3	39,9	41,0	39,2
3	Бухоро – 102	38,0	37,3	39,4	37,3	38,0
4	Андижон – 36	38,5	36,2	35,3	38,8	37,2
5	Андижон – 37	34,9	37,2	36,8	35,1	36,0
6	Наманган – 34	36,0	34,8	35,3	34,3	35,1
7	Ан – Боёвут – 2	34,4	35,1	32,9	32,4	33,7
8	Султон	42,0	40,6	39,9	43,9	41,6
9	Хоразм - 127	40,3	38,5	39,4	38,6	40,4
10	Наманган – 77	38,2	36,9	38,1	36,8	37,5

НСР₀₅=1.73ц/га

эга бўлиши мумкин, деган фикрдамиз.

Маълумки, ҳосилдорлик тажрибанинг асосий натижаларидан бўлиб ҳисобланади. Ўрганилган навларнинг ҳосилдорлиги бўйича олинган маълумотлар келтирилган.

Олинган маълумотлардан кўриниб турибдики, навлар орасида энг юқори ҳосил берган “Султон” (41,6ц/га) ва “Хо-

разм-127” (40,4 ц/га), бўлиб, андоза навга нисбатан 3-4 ц/га кўшимча ҳосил берди.

Ҳосилдор навларнинг чатиштиришда фойдаланишга тавсия қилишган. Бизнинг тажрибамизда ҳам шундай натижалар олиндики, юқори ҳосил берган навларни янги навлар яратиш учун бирламчи материал сифатида фойдаланиш мақсадга мувофиқ бўлади.

Биз илмий кузатувларимиз орқали қуйидаги хулосаларга келдик.

1. Навлардан ширага “Андижон-37” (1,0%), ўргимчакканага “Бухоро-102” (2,0%) бардошли эканлиги аниқланди.

2. Навларни тезпишарлиги аниқланганда “Андижон-36” (116 кун) ва “Наманган-77” (117 кун) ларни тезпишарлиги аниқланиб, улар андоза навга нисбатан 6-7 кунга тезпишар бўлди.

3. Навлардан “Султон” (41,6 ц/га), “Хоразм-127” (40,46ц/га) ларни юқори ҳосил бериши аниқланди.

4. Бир дона кўсак пахтасининг оғирлиги бўйича “Султон” (6,9г) ва “Бухоро-102” (6,8г) навлар юқори кўрсаткичга эга бўлди.

5. Навлардан “Андижон-36” (39,0%) ва “Наманган-77” (39,2%) ларни юқори тола чиқимиға эга эканлиги аниқланди.

6. Навларни толасини технологик хусусиятлари таҳлил қилинганда “Хоразм-127”, “АН-Боёвут-2” ва “Андижон-36” ларни юқори тола сифатиға эга эканлиги аниқланди.

7. Шира ва ўргимчакканага бардошли бўлган, хўжаликка фойдали белгилари бўйича мужассам белгиларга эга бўлган “Андижон-37”, “Бухоро-102” ва “Султон”лари алоҳида аҳамиятга эга бўлганлиги учун янги навларни яратишда бирламчи материал сифатида селекцияда фойдаланишга ва ишлаб чиқаришда экишга тавсия этилади.

С.БАХРОМОВ,
қ.х.ф.н., доцент,

Абдурахимова Анара Рустамбоевна,
ассистент,

Абдурахимов Самандар Рустамбоевич,
магистр,
ТошДАУ Андижон филиали.

АДАБИЁТЛАР:

1. Абдурахмонов У. “Ўза навларининг биологик хусусиятларига боғлиқ ҳолда барг сатҳи ва қуруқ вазнининг ўзгариши”. Ўза ва ўза мажмуидаги экинларни парваришлаш агротехнологияларини такомиллаштириш. Республика илмий-амалий анжумани., 2013, 235-237 б.

2. Абдурахмонов Э., Саидов Ж., Абдурахмонов Х. “Танлов нав синовидаги янги ўза навларининг қимматли хўжалик ва сифат кўрсаткичлари”. Ўза ва ўза мажмуидаги экинларни парваришлаш агротехнологияларини такомиллаштириш. Республика илмий-амалий анжумани., 2013, 373-375 б.

3. Авлқулов Н., Авлқулов Т. “Госсипиим барбадензе турига мансуб навлар”. Ўза ва ўза мажмуидаги экинларни парваришлаш агротехнологияларини такомиллаштириш. Республика илмий-амалий анжумани., 2013, 356-358 б.

ЎЎТ: 630+632.937.

ИННОВАЦИОН ЁНДОШУВ

ДАРАХТЛАРНИНГ ЗАРАРЛИ ОРГАНИЗМЛАРИГА ҚАРШИ КУРАШНИНГ ИНФУЗИОН (TRUNK INJECTION) УСУЛИ

Аннотация. мақолада аҳоли яшаш жойларида ва истироҳат боғларида манзарали баланд бўйли дарахтларнинг зараркунанда ва касалликларига қарши экологик ҳавфсиз - инфузион (trunk injection) усулини қўллаш бўйича маълумотлар келтирилган.

Калит сўзлар: манзарали ва ўрмон дарахтлари, зараркунанда, касаллик, қарши кураш, пестицид, инфузион (trunk injection) усул, атроф- муҳит.